

СОЯЗОРЛАРДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА (ҒАЛЛАСИМОН) ҚАРШИ КУРАШ, ГЕРБИЦИДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБАЛАР

Аннотация:

Олиб борилган тажрибада "Зеллек супер" к.э ва "Пантера 40" г/л к.э препаратларининг биологик самарадорлиги ўрганилган. Бунда "Зеллек супер" гектарига 1,0 л/га. меъёрида қўлланилган вариантида назоратга нисбатан самадорлик 94,3 %, "Пантера 40" г/л к.э гектарига 1,5 л/га. меъёрида қўлланилган вариантда самадорлик 91,7 % ташкил этди

Мутахассисларнинг эътирофи этишча, дунёда етиштирилаётган мойли экинлар ҳосили йилига ўртача 393-397 миллион тоннани ташкил этади ва шунинг 57 фоизи соя донидир. Шунга мос равишда дунё аҳолисининг 42,3 фоизи соя мойини ишлатади. Яна бир муҳим рақамга эътибор қаратинг. Жаҳонда 380 дан ортиқ компаниялар айнан соялик ва соя сақловчи 500 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаряпти. Шунинг ўзиёқ бу экин тури нечоғлик қадрли неъмат эканлигини кўрсатади. Афсуски, бегона ўтлар соядан юқори ҳосил кўтаришга жиддий ҳалақит беради ва аксарият ҳолларда касаллик ва заракундаларнинг тарқатувчи "ўчоғи" бўлиб ҳисобланади қораитузум, (*salanum nigrum*) жағ-жағ (*capsella bursa pastoris*), ёввойи гултожихўроз (*Amaranthus retroflexus*), олабута (оқ шўра) (*Atriplex tataria*), бангидевона (*Xanthium strumarium*), Қўй тикан (*Deskurainia Sophia*), райграс (*Lolium perenne*), курмак (шамак) (*Echinochloa crus-galli*), Тулки дум (*Alopecurus geniculatus*), ёввойи сўли (*Avena fatua*) каби ғалласимон

ўтларнинг зарари ер юзидаги барча деҳқончилик қилинадиган майдонларда ҳам бир хилда эканлиги маълум.

Крэмер К.Н. (1967)нинг фикрича АҚШнинг соязоридagi бегона ўтларнинг таъсирида йўқотилган ҳосил ўртача 34% фоизни ташкил этса, Европада бу кўрсаткич 10 фоизга тенг, Осиё ва Африка давлатларида 15 фоизни ташкил этади.

Фетваджиева, Дечков (1973) ларнинг Болгарияда сояда ўтказилган тажрибаларида 22 хил бегона ўтни ҳисобга олишган бўлиб, улар орасида ёввойи рапс, ёввойи тожихўроз, оқ шўра, қора итузум, курмак каби бир йиллик ва кўп йиллик печак, ажирик, гумай каби энг кўп тарқалгандир.

Уэкс Л.Ш. (1973) жуда қизиқарлик маълумот келтиради, АҚШ соячилигидаги бегона ўтларнинг зарарига оид ҳар бир метрдаги соя майдонида 80 тупдан курмакни ўсиши ёки теофраст ғўзағарини 10 туп ўсишининг таъсирида соянинг ҳосили ўртача 25 фоизга камаяди, шунча майдонда ёввойи гултожихўрознинг 40 туп

ўсишининг оқибатида эса, 5 фоиз соя ҳосили камайган, бу бегона ўтни бир метрда бир туп ўсиши соя ҳосилини 18 фоизгача камайтиради.

Шунингдек, ёввойи рапсни бир метрда 3 тупини соянинг майсалари униб чиққандан кейинги 6 ҳафтагача чопилмаса-тозаланмаса соянинг ҳосилдорлигини ўртача 21 фоизгача камайтирган.

АҚШнинг Мисисипи штатида бангидевонанинг таъсирида соядан ҳосилдорлиги ўртача 63-75 фоизга, гумай билан ифлосланган даладаги соянинг ҳосилдорлиги ўртача 23-42 фоизга кам бўлган. Шунингдек, 1 м² да 40 ва 80 туп ҳар хил бегона ўтларнинг учраши соя донини 10 ва 30 фоизга йўқотган.

Бегона ўтларнинг таъсири нафақат соя ҳосилдорлигини камайтиради, балки комбайнларни ишлашига ҳалақит қилади. Банги девона, тожихўроз, қораитузум, қўй тикан, оқ шўра каби бегона ўтлар эса соя пишганда ҳам яшиллигини йўқотмайди, сернамлиги билан соя донини қаттиқ ифлослайди, айниқса қора итузум, бангидевона, қўй тиканлар соя уруғининг сифатини бузади. Шунинг учун соя дони салмоғини кўпайтириш ва сифатини сақлаб қолиш ва соя дони таннархини пасайтириш учун соя ўстириш технологиясини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун Республикамизда қўлланилаётган

1-Жадвал. Зеллек супер к.э. препаратининг бегона ўтларга қарши биологик самарадорлиги (%)

№	Бегона ўтлар номи	Ишлов беришдан олдинги 1 м ² даги бегона ўтлар сони			Ишлов беришдан 45 кун ўтгач 1 м ² бегона ўтлар сони			Биологик самарадорлик %	
		Назорат (ишлов берилмаган)	Зеллек супер к.э 1,0 л/га	Пантера 40 г/л к.э – 1,5 л/га	Назорат (ишлов берилмаган)	Пантера 40 г/л к.э – 1,5 л/га	Зеллек супер к.э 1,0 л/га	Пантера 40 г/л к.э – 1,5 л/га	Зеллек супер к.э 1,0 л/га
1.	Курмак (шамак) (<i>Echinochloa crus-galli</i>)	19	21	22	26	0,1	1,2	94,5	95,2
2.	Тулки дум (<i>Alopecurus geniculatus</i>)	11	15	14	17	0,9	0,7	95	94
3.	Ёввойи сули (<i>Avena fatua</i>)	7	6	8	10	0,3	1	87,5	95
4.	Ўмай (<i>Sonchus arvensis</i>)	3	3	5	8	0,7	0,2	90	93,3
	Ўртача	16,0	11,2	12,2	15,2	0,5	0,7	91,7	94,3

гербицидлар орасида айнан сояга мос келадиган (ғалласимонларга қарши ишлатиладиган) самарали, экологияга (тупроқ, сув, ҳаво) салбий таъсири камларини танлаб олиш зарур.

Бординг Г.С., Бардаков П.П. ва бошқалар (1932) Балаян Л.И., (1971) Бабиш А.А. (1974) нинг билдиришича соя ўстиришда гербицидлардан ғалласимон ва кенг баргли ўтларга қарши уйғунлашган ҳолда фойдаланишнинг самарадорлиги ўртача гектаридан 10 центнердан дон ҳосили олиш имконини беради.

2018 йил Қўрғонтепа туманидаги “Оқ сув” фермер хўжалигининг дала шароитида асосий экин сифатида ўстирилган соянинг 1- йил кўпайтириш кўчатзоридаги ғалласимон бегона ўт билан кучли зарарланган (1м² ўртача 31,5-36,3 донани ташкил этган) майдондаги соянинг биринчи 3 талик барг шакллантирган босқичда “Зеллек экстра” ва “Зеллек супер” гербицидларидан фойдаланилди. Бунинг учун далани бегона ўт босган 4 жойидан 1м² майдонларни ҳар бир гербицид учун ажратиб олинди ва қозиқчалар қоқилиб ип билан белгиланди. “Зеллек экстра” к.э дан 1,2 л/га “Зеллек супер” к.э 1,0 л/га 300 литр ҳисобида тажриба майдондаги бегона ўтларга ёппасига пуркалди. Шу муддатларда бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларнинг ўртача бўйи 5-7 см, ҳаво ҳарорати 30-35 градус, шамол тезлиги 2-3 м/секунд бўлган даврда қўл аппарати билан сепилди ва ҳар куни бегона ўтлар ҳолати ўрганиб борилди.

Тажрибалар қуйидаги тизимида олиб борилди.

1. Назорат (ишлов берилмаган)
2. Зеллек супер к.э -1,0 л/га
3. Пантера 40 г/л к.э – 1,5 л/га.

1-жадвалда келтирилаётган маълумотлардан кўриняптики, соянинг кўпайтириш кўчатзорларида бегона ўтларга қарши қўлланилган гербицидларни таъсирида бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтлар 7-8 кундан кейин барглари сарғайиб ўсишдан умуман тўхтаган. Шунингдек, барча вариантларда соя ўсимлигига ҳар иккала гербициднинг салбий таъсири кузатилмади, аксинча сояларнинг барги бошқа сояларга нисбатан ялтироқ, кенг ва йириклашгандек бўлди. Бундай ҳолат тажрибага ажратилган

2-жадвал. Соянинг ўсиш-ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига гербицидларнинг таъсири.

№	Вариантлар	Соянинг асосий поясини баландлиги с.м	1 туп соядаги			Гектар ҳисобидаги кўчат сони, дона	Ўртача ҳосилдорлик ц/га
			Дуккаклар ўртача сони дона	Уруғлар ўртача сони дона	Уруғлар вазни, ўртача гр		
1	Назорат (ишлов берилмаган)	88,5	44,7	98,0	18,5	218000	40,3
2	Зеллек супер к.э 1,0 л/га	103,0	48,5	117	21,5	257000	51,7
3	Пантера 40 г/л к.э – 1,5 л/га	98,7	46,8	112,0	19,8	244000	48,3

майдончаларда соянинг кейинги барча ўсиш босқичларида кузатилиб соянинг тўла дуккаклаш уруғини тўлишиш даврига келганда соя ўсимлигининг асосий поясини баландлиги ён қатордаги ишлов берилмаган (ҳеч нарса сепилмаган) далада ишлов берилган соя ўсимликларига нисбатан ўртача 12-14,5 см. гача дуркунроқ ўсганлиги кузатилди. Гербицид таъсирида янгидан чиққан бегона ўтларни ривожланмасдан ўлиб кетиши кузатилди, шунингдек кўчатлар сонини камайтирмасдан сақлаб қолишга эришилди.

2-жадвал маълумотларидан кўриняптики, сояни уруғ олиш учун ўстиришда гербицидлардан (зеллек супер, Пантера 40 г/л) ғалласимон бегона ўтларга қарши фойдаланилганда соя ўсимлигини асосий поясини баландлиги назоратга нисбатан 10,2-14,5 см гача баланд ўсган, майдондаги соя кўчатларини сони ҳам, гектарига ўртача 26-39-минг донагача кўпроқ сақланиб қолган, ҳар тупдаги дуккак, уруғ сони мос равишда ўртача 21-38 дона ва 14-19 донагача кўпроқ шаклланган. Бегона ўтларни ўз

вақтида йўқотиш натижасида соя ҳосилдорлигини назоратга нисбатан ўртача 19,5-29,0 % гача юқори бўлиши таъминланди.

Демак, сояни дон олиш учун ўстириладиган майдонлардаги бир йиллик ғалласимон бегона ўтларга қарши "Зеллек супер" к.э 1,0 л/га, "Пантера" 40 г/л к.э – 1,5 л/га 300 литр сувдаги аралашмасидан пуркаш дон ҳосилдорлигини 19,5-29,0 % гача кўпайтиради.

**М. Маннопова, С. Саидов,
Н.Каримов, Б.Шерматов,
ДДЭТИ.**

Адабиётлар рўйхати:

1. Д.Арабаджиев, Х. Горанов и др. Перевод. С болг Е.С. Сигаева -соя М. Колос, 1981-197 с.Мл.
2. Clamer. Н.Н. Pflanzensehufz und weltezate, Bayez. Pflanzenschufz Levezkusen? 1967
3. Фетваджиева Н.А. Резултата от картиране на заплевеленно Дечков З.и др. стта обработваемите площи в страната Пресс 1972 г. Растителна защита, № 9, 101973
4. Wah L.M. Weed Contrae Soybeans. Improve ment. Production and uses. U S A, 1973
5. Бабич А.А. Сои на Корм. М. 1974
6. Болаян Л.И –Научно-техн.бюл. союзники. Внии хлопководства № 1, 1971
7. Бордин Р-С, Борданов П.П и др. Соя-культура и использования. Рос. Изд.селхозгиз. М-Л, 1932